

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2018  
декабрь

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

<b>А.АКБАРОВ</b>	.....	83
Хайнриҳ Ҳайнненинг “Қарағай” шеъри ва унинг таржималари ҳақида .....	.....	83

## ТИЛШУНОСЛИК

<b>А.МАМАЖОНОВ, А.САМИНОВ</b>	.....	88
Оксюморон – нутқда ғайриодатий бирикмалар ҳосил қилиш усулларидан бири .....	.....	88
<b>М.РАСУЛОВА, И.ҚҰЧҚАРОВ</b>	.....	91
Инглиз ва ўзбек тиллари паремия ва фразеологик бирликларининг концептуал гендер таҳлили .....	.....	91
<b>Ҳ.ЗАКИРОВА</b>	.....	94
Замахшарий ва унинг “Муқаддамат ул-адаб” асари талқини .....	.....	94

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Б.УМУРЗАҚОВА</b>	.....	97
Хорижий тилларни ўқитишда ёшларда эстетик дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик асослари .....	.....	97
<b>А.АБДУЛЛАЕВ, Н.АБДУЛЛАЖОНОВ</b>	.....	100
Мамлакатимиз оммавий жисмоний маданияти ва оммавий спортининг назарий асослари .....	.....	100

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>М.НАЗАРОВ</b>	.....	103
Балиқларни тўйимли тирик озуқа билан боқиш сифатли балиқ етиштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида .....	.....	103
<b>Ш.ЖУМАНИЯЗОВ</b>	.....	105
Ўзбекистон тасвирий санъатида маҳобатли рангтасвир асарларнинг тарихий ва замонавий интеграцияси .....	.....	105
<b>А.АБДУХАЛИМОВ</b>	.....	109
Мустақиллик йилларида Фарғона водийси қишлоқларида янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалалари .....	.....	109
<b>И.М.АРЗИМАТОВА, М.ИСМОИЛОВА</b>	.....	112
Шахс тарбиясида эстетик қадриятларнинг ўрни .....	.....	112
<b>А.ҚАМБАРОВ, М.НАЖМЕТДИНОВА</b>	.....	114
Ёшларда мағкуравий иммунитетни шакллантиришда мусиқий маданиятнинг роли .....	.....	114
<b>С.СОДИҚОВ</b>	.....	116
Аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фуқаролик жамияти қуриш гарови .....	.....	116
<b>А.САБИРДИНОВ</b>	.....	119
Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романига чизгилар .....	.....	119
<b>Д.ХУСЕНОВА</b>	.....	121
Лев Толстой ҳикояларида шарқона мотивлар .....	.....	121
<b>В.ГИЁСОВА</b>	.....	124
Эртакнинг халқ оғзаки ижодиётида фольклор матннинг кўринишларидан бири сифатида .....	.....	124
<b>М.ШОКИРОВА</b>	.....	127
“Спорт” семали бирликлар хусусида .....	.....	127
<b>А.АСИМОВ</b>	.....	129
Ўқувчиларни масала тузишга ўргатишда инновацион ғоялардан фойдаланиш .....	.....	129
<b>Д.ҚАМБАРОВА</b>	.....	133
Янги авлод ўқувчиларининг интеллектуал ва ижодий ривожланишининг давлат таълим сиёсати .....	.....	133
<b>Д.ЮЛДАШЕВА, Н.НАБИЕВА</b>	.....	135
Болаларфольклорида “Бўри” зооморф метафорасининг антропоцентрик таҳлили .....	.....	135
<b>М.ДИЛБАРЖОНОВА</b>	.....	138
Тахаллус ва лақабларнинг кўлланилиши хусусида .....	.....	138
<b>И.ЮЛДАШЕВ, И.ПЎЛАТОВ, Г.ЙУЛДАШЕВА</b>	.....	140
Тасвирий санъат машғулотлари орқали тушунча, тасаввурлар ҳосил қилишда кўргазмалилик принципининг назарияси ва методикаси .....	.....	140
<b>Х.ШОДМОНОВ Ш.АКРАМОВ</b>	.....	142
Қанд лавлагининг биологияси, етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий самарадорлиги .....	.....	142
<b>М.РАХИМОВ, Х.АБДУРАСУЛОВ</b>	.....	145
Четдан келтирилган қорамол бузоқларини бўрдоқига боқишининг жадал усули .....	.....	145

## БИБЛИОГРАФИЯ

Библиография .....	.....	147
--------------------	-------	-----

УДК: 78.087.54

## ЁШЛАРДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛАНТИРИШДА МУСИҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ РОЛИ

**А.Қамбаров, М.Нажметдинова**

### **Аннотация**

*Мазкур мақолада Ўрта Осиёниг маданий мероси бўлган мусиқий маданият тараққиётининг тарихий жараёнлари ва унинг ёшлар мафкуравий иммунитетини шакллантиришдаги ўрни билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинади.*

### **Аннотация**

*В статье анализируются исторические процессы развития музыкальной культуры, являющейся культурным наследием Средней Азии и роль музыкальной культуры в формировании в молодежи идеологического иммунитета.*

### **Annotation**

*This article analyzes the role of Central Asian cultural heritage in the history of musical culture and its role in acquiring the ideological immunity of the youth.*

**Таянч сўз ва иборалар:** маданият, маданий мерос, мусиқий маданият, иммунитет, мафкура, маънавият, санъат, мумтоз мусиқа маданияти, инсонпарварлик.

**Ключевые слова и выражения:** культура, культурное наследие, музыкальная культура, иммунитет идеологии, духовность, искусство, культура классической музыки, гуманизм.

**Keywords and expressions:** culture, cultural heritage, musical culture, immunity, ideology, spirituality, art, classic musical culture, humanism.

Мусиқий маданият кўп асрлик тарихга эга бўлиб, моддий маданият ёдгорликларининг тасдиқлашича, Ўзбекистон худудида Ўрта Осиё халқлари ажоддлари яратган қадимги цивилизация мавжуд бўлган.

Бугунги кунда Ўзбекистон халқлари маданий мероси бўлган, тилшунослик ва адабиётшунослик, санъатшунослик ва бошқа соҳаларда ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда[1.169]. Жумладан, мусиқий маданиятни юксалтириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган миллый-маънавий испоҳотлар самарадорлигини ошириш, демократик тамойилларни қарор топтириш ҳамда ижтимоий-сиёсий жараёнларни бошқаришда мухим аҳамият касб этмоқда. “Энг мухими, бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда”.[1.141] Демак, ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда ҳам мусиқанинг алоҳида ўрни борлигини эътироф этиш ўринлидир. Шу билан бирга оиласда ижобий мухитни юзага келтиришда мусиқа мухим ўрин тутади. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, гўзал мусиқа инсон онгига ижобий таъсир этар экан, у нафақат боланинг идрокига, балки унинг дунёқарашининг шаклланишига ҳам таъсир этади, маънавий озуқа беради, куй, қўшиқ эшитган инсоннинг руҳи ором олади. Шу нуқтаи назардан мусиқий маданиятнинг шахс маънавий дунёқарашини шакллантиришдаги ва унда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда тутган ўрнини тадқиқ этиш долзарбdir. Бу эса

куйидагилар билан белгиланади:

Биринчидан, Ўзбекистоннинг миллий тараққиётida маънавиятнинг устуворлигига таянувчи ижтимоий-фалсафий концепция жамият ривожланишида мусиқанинг ўзиға хос ўрнини белгилаб беради.

Иккинчидан, мумтоз мусиқа шахс камолотининг барча босқичларида унга фалсафий, ахлоқий, эстетик ғояларни сингдиришда, юксак инсонпарварлик түйғуларини шакллантиришда мухим руҳий-эмоционал омил бўлиб хизмат қиласди.

Учинчидан, Ватан мустақиллиги ёшларнинг ўз қобилияти, иқтидори, истеъододи ва, умуман, эркин бадиий-ижодий фаолиятини ривожланиши учун етарли объектив, субъектив шароитларни юзага келтиради.

Шу боис ҳам мусиқанинг янгиланиб бориши ва жараёнларнинг давом этиши жамият тараққиётининг барча соҳаларида юз берадётган испоҳотларнинг уйғун ҳолда амалга оширилишида мухим аҳамиятга эгадир. Бу, ўз навбатида, мусиқа маънавий тараққиётнинг таркибий қисми сифатида махсус тадқиқ этиш заруриятини келтириб чиқаради. Шуни назарда тутган ҳолда, мақолада қуйидаги вазифалар амалга оширилди:

- “Мусиқа”, “Мумтоз мусиқа”, “Замонавий мусиқа”нинг ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришдаги мазмун-моҳиятини ёритиш;
- мусиқанинг маънавий ҳаёт билан алоқадорлигини таҳлил қилиш;
- ёшларнинг маънавий-руҳий покланиши, миллий ўзликни англашида мусиқанинг ижтимоий-тарбиявий ролини очиб бериш кабилар шулар жумласидандир.

Ўрта асрлар мусулмон Шарқи мутафаккирлари

**А.Қамбаров –** ФарДУ, фалсафа фанлари номзоди, доцент.

**М.Нажметдинова –** ФарДУ, ижтимоий иши кафедраси катта ўқитувчisi.

адабиёт, шеърият, мусиқа, хаттотлик, нотиқлик сингари турларини ўрганишга оид бой фалсафий-эстетик мерос қолдирғанлар. Улар мусиқий маданиятни ахлоқ ва нафосат мезонлари билан баҳолаганлар, унинг моҳиятини ахлоқ ва нафосат уйғунылигига кўрганлар. Жумладан, Абу Наср Мұҳаммад ал-Фаробий санъатнинг, айниқса, шеърият, мусиқанинг руҳий ҳаёт инъикоси эканлигини ҳамда унинг кишиларга чуқур таъсир этиш хусусиятларини алоҳида таърифлайди. Шунингдек, у ўзининг “Катта мусиқа китоби” номли асарида мусиқа масалалари билан боғлиқ ҳолда умумий илмий метод, педагогика, этика ва эстетика масалаларига ҳам тўхтаб утади[2.183].

Мустақиллик йилларида улуғ боболаримизнинг ана шундай анъаналарини давом эттирган ҳолда, мамлакатимизда мусиқа санъатининг кенг ривожланишига қаратилган дастур ва режалар амалга оширилмоқда. Жумладан, мумтоз мусиқий меросимизни асрабавайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлодларга безавол етказиш мақсадида кўплаб кўриктанловлар, нуфузли ҳалқаро мусиқа анжуманлари мунтазам равишда ўтказиб турилибди (2.140). Бу эса бевосита ёшларни мағкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилишда асосий омил бўлиб хизмат қиласди.

Ҳалқимиз учун болани ёшлик ҷоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш доимо долзарб аҳамият қасб этган. Биргина она алласида айтиладиган сўзларда ҳам фарзанднинг юксак камол топиши ифодаланади. Бола дунёга келиши билан дунёдаги энг меҳрли қўшиқ – аллани эшитади. Севимли шоиримиз Чўлпон алла ҳақида шундай деган эди: “Бир бола ухламаса, алла айтадилар. Бола тез ухлаб кетар. Чунки ул андин бир лаззат ҳис қиласур”. Бу ифодада алланинг энг муҳим фазилати – бола руҳига таъсири акс этган. Алла қўшиқлари матнида онанинг фарзанд кўрганига шукронга, фарзандига бахт-саодат тилаши, ўзининг ҳистойгулари ифодаланади, аммо алланинг матнида қандай мазмун ифодаланишидан қатъий назар, аёлнинг фарзандига муҳаббати устуворлик қиласди. Оила азоларининг бирбирига бўлган меҳр-муҳаббати, ғамхўрлиги оиланинг мустаҳкам бўлишига ёрдам беради. Алланинг садолари бола руҳига иймон, ватанига

муҳаббат, ҳалқига ҳурмат, ўзи туғилган оиласа иззат бўлиб қўйилади. Шунинг учун ҳам оқилона турмуш тарзини шакллантиришда алланинг, мусиқанинг ўрни бекиёс. Алладаги фазилатларни Абу Али ибн Сино ҳам алоҳида таъкидлаган. Шифокор, аллома алланинг бола руҳига, тарбиясига ижобий таъсир кўрсатишини алоҳида уқтиради.

Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғидан топилган 3 минг 300 йил муқаддам суяқдан ясалган най чолғуси шундан далолат берадики, ҳамма замонларда ҳам мусиқа инсонларга маънавий озуқа бўлиб келган. Мусиқа садолари кайси ҳалқ ёки миллат вакили томонидан ижро этилмасин, энг эзгу, юксак ва нозик инсоний кечинмаларни ифода этади.” Ҳақиқатан ҳам мусиқа таъсирида киши ғоят нозик ва теран ҳиссиётларни бошдан кечиради. Аниқланишича, Бетховеннинг бешинчи симфонияси юрак фаолиятига хуш таъсир қиласа, “Ой сонатаси” асабларни тинчлантиради, Бахнинг “Италия концерти” қаҳру ғазабни босса, Шопеннинг мазуркалари ва Штрауснинг вальслари эса хавотирли туйғуларни аритар экан. Аммо мусиқанинг ижобий томонлари билан бирга салбий томонлари ҳам мавжуд. Шундай мусиқий оқимлар мавжудки, улар инсон онгини заҳарлаши, маънавиятига путур етказиши мумкин. Шунингдек, “оммавий маданият”ни тарғиб қиласидан мусиқаларнинг борлигини унутмаслигимиз ҳамда уларнинг ёшлар маънавий дунёқарашига таъсири масалаларига эътиборни жалб қилишимиз зарур. Нега деганда, агар инсоннинг қулоги енгил-елли, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламини соxта тушунчалар эгаллаб олади.

Баркамол авлод тарбиясида ўзимизнинг миллий мумтоз мусиқамизга кўпроқ эътибор беришимиз лозим. Чунки гўзал мусиқа инсонда нафосат, гўзалликни ҳис этишга ўргатади. Гўзалликни ҳис қиласундан эса ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Гўзал мусиқа комил инсонни тарбияловчи бир воситадир. Демак, ўсиб келаётган ёшларда мағкуравий иммунитетни шакллантириш ва уни ҳимоя қилишда миллий ва жаҳон мусиқа маданияти дурданалари ҳамда замонавий эстрада санъати намуналаридан баҳраманд бўлишлари учун уларга зарур шартшароитлар яратиш муҳим аҳамият қасб этади.

### Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлнимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Хайруллаев М.М. Фаробий ва унинг фалсафий рисолалари. –Т.: Фан. 1963.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.

(Такризчи: А.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор)